

УЎТ: 338.48(584.4)

# Фаргона водийсида туристик объектларни бошқаришда узвийлик стратегияси

## Стратегия членства в управлении туристическими объектами Ферганской долины

### Membership strategy in the management of tourist facilities in the Fergana valley

Олимжон БОЙТЎРАЕВ,  
НамМҚИ докторанти.  
Хулкарбону ЁҚУБЖОНОВА,  
БухДУ мустақил тадқиқотчиси.

#### Аннотация

Мақолада Фаргона водийсида туристик объектларни бошқариш механизмининг объектив зарурлиги, узвийлик стратегияси, ҳудуддаги мавжуд имкониятлар, табиий ресурслар, инвестициялаш жараёнлари ҳақида сўз юритилган. Тадқиқот ишининг мақсади Фаргона водийсининг туризм соҳасида барқарорликка эришишга оид узвийлик стратегияси бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдир.

В статье делается акцент на объективной необходимости механизма управления туристическими объектами Ферганской долины, стратегии членства, существующих возможностях в регионе, природных ресурсах, инвестиционных процессах. Целью данного исследования является предоставление научных и практических рекомендаций по стратегиям членства для достижения устойчивости в туристическом секторе Ферганской долины.

This article focuses on the objective necessity of the mechanism of management of tourist facilities in the Fergana Valley, membership strategy, existing opportunities in the region, natural resources, investment processes. The purpose of this study is to provide scientific and practical recommendations on membership strategies for achieving sustainability in the tourism sector of the Fergana Valley.

Бугунги кунда туризмнинг аксарият йўналишлари маҳаллий кўринишга эга бўлишига қарамасдан, одатда йирик халқаро бизнес сифатида қараб келинмоқда. Янги туризм йўналишларини яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибдорлигини ошириш [1] бир нечта муҳим омилларга боғлиқдир. Хусусан, баъзи йирик сайёҳлик ташкилотларининг барқарор мавқега эга бўлишида, миллий chegaralar бўйлаб саёҳатни ташкил этишлари эмас, балки муҳим ўзига хос стратегияга эга эканликлари сабаб бўлмоқда [2].

Барқарор туризм стратегиялари ҳозирги кунда муваффақиятли, рақобатбардош ва барқарор йўналишлар ҳамда сайёҳлик бизнеслари учун ҳар доимгидан ҳам муҳимроқдир. Аммо туризм соҳасида барқарорликни ривожлантириш ва бошқариш учун ҳудуд салоҳиятига мос стратегияларни қўллаш лозим бўлади.

Ушбу мавзунинг таҳлил этиш жараёнида қуйидаги олимларнинг илмий қарашларини, яъни туризм салоҳиятини ошириш учун: соҳада ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш [3], соҳани ривожлантириш учун стратегик жараёнларни бошқариш

**Калит сўзлар:** туризм, узвийлик стратегияси, барқарорлик, инновацион стратегиялар, инвестициялаш.

ма-босқич тарзда амалга ошириш зарурлиги [4], саноатни барқарор ривожлантириш учун бошқарув сиёсатини тўғри йўлга қўйиш [5], [6], соҳада ҳудудга туристлар талабини олдиндан башорат қилишнинг аҳамиятли жиҳатлари [7], маркетинг стратегиясини тўғри юриштиш [8], тамойилларини аниқ белгилаб олиш, тажриба амалиётларини ўтказиш [9], хусусий туризм бизнеси стратегияларини амалга ошириш [10], [11], стратегик бошқарув жараёнида интеграцион ёндашувни тўғри йўлга қўйиш [12], соҳада инфратузилма ва ҳудудлар тўғрисидаги хабардорликни ривожлантириш учун стратегик менежмент [13], корпоратив стратегияни ўрганиш [14], рақобатдошлик муҳитида [15] саёҳат ва туризмни ташкил этишда стратегик бошқарувни тўғри йўлга қўйиш [16] каби жараёнларга жиддий эътибор қаратиш лозим эканлигига аниқлик киритилди.

Барқарор туризм стратегиялари: буни қандай амалга ошириш мумкин. Барқарорликни қандай қабул қилиш керак: мақсадли менежерлар учун барқарор туризм бўйича маслаҳат марказларини қандай йўлга қўйиш лозим? Ҳудудларда ихтисослашган менежерлар учун рақобатбардош устунликни қўлга киритиш ёки сақлаб қолиш учун барқарорликни қандай қабул қилиш кераклиги ҳақида етакчи туризм мутахассислари томонидан онлайн ёки мастер класс тарзида махсус тренинглари, кўрсатмалар бериб бориш лозим.

Ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган маркетинг ва ривожлантириш стратегияси қуйидаги хусусиятлардан бирига ёки бир нечтасига эга бўлган йўналишларнинг (маҳаллий, минтақавий ёки мамлакатдаги) истиқболлари учун жуда муҳим бўлиб улар қуйидагилардир:

- янги пайдо бўлган (шу жумладан, ташриф буюрадиган жойлар сонининг кўплиги);
- салоҳияти ҳали кашф этилмаган ўзига хос диққатга сазовор жойларнинг (туристик йўналишларнинг янги турлари) уйғунлашувига эга бўлиш;
- мавжуд диққатга сазовор жойлар, жозибадорлиги юқори бўлган ҳудудларга саёҳатни ташкил этиш;
- ўзининг жозибадорлигини йўқотиш хавфи остида бўлган, табиий, диққатга сазовор жойларга эга бўлиш – агар бундай ҳудудлар тўғри бошқарилса ва режалаштирилса, у ҳам маҳаллий ҳамда минтақавий асосда сайёҳлик стратегиясининг энг яхши дастурларини ишлаб чиқилишига асос бўлиши мумкин. Барқарорликка асосланган стратегиялар, пухта ишлаб чиқилган бозор тадқиқотлари, стратегик таҳлиллар ва мослашувчан режалаштириш (масалан, 1 йилдан 3 йилгача) ишлаб чиқилиши зарур. Стратегик режалаштиришдаги саяёҳатлар – қаерга кетаётганингизни ва мақсадга

қандай етиб боришни билишдир. Бу эса, энг яхши натижаларга эришиш учун тўғри йўлни топиш демакдир.

Инновацион ва кучли бўлган туризм стратегияларини ишбилармонлик муҳитида қўлланилишида янги (янада самарали) усулларига аҳамият бериш лозим. Бу ерда, албатта, рақобатбардош устунлик ётади.

Умуман олганда, туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи бизнеснинг муҳим стратегиясини ўрганиш Фарғона водийсида ҳали бошланғич босқичда. Фарғона водийсининг туризм саноатини ривожлантиришга қаратилган бошқарув стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун тадқиқотчилар, хусусий сектор ва ҳудудий туризмни ривожлантириш бошқармалари билан ҳамкорлик қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу стратегия тўртта устувор йўналиш бўйича бозор улушини ва янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган бўлиб, сифатли туризм маҳсулотлари, турли тадбирлар, инфратузилмалар барпо этишга маблағ сарфлаш ва малакали ишчи кучи ва бизнес қобилиятларини яратиш ҳамда Фарғона водийсидаги туристик имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Стратегик устувор йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- сифатли туризм маҳсулотларини яратиш;
- юқори даромадли меҳмонхона ишланмалари, масалан, фақат (шифобахш суви мавжуд бўлган) курортнинг яхлит ривожланиши;
- туризм маҳсулотларини янги турларини ишлаб чиқармоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш;
- Фарғона водийсида туризмни ривожлантириш дастурлари ва тадбирлари, шунингдек янги истеъодларни аниқлаш, халқаро даражадаги бизнес инкубатор ғоялари ҳамда технологияларни олиб кириш.

**Сифатли туризм маҳсулотларини яратиш.** Сифатли туризм маҳсулотларини яратиш, ўзига хос саёҳат ҳудудларини кашф этиш тажрибаларни ошириш. Фарғона водийси табиий ресурслари хилма-хиллиги жиҳатидан чексиз имкониятларга эга. Дунё миқёсидаги замонавий ва ноёб маҳсулотлар ва ҳақиқий тажрибаларни ўз ичига олган таклифларни кенгайтириш орқали фақат Фарғона водийсига ташриф буюрувчи янги ҳамда такрор келувчи маҳаллий ва халқаро меҳмонларни жалб этиш имконияти пайдо бўлади.

**Юқори даромадли меҳмонхона ишланмалари, масалан, фақат курортнинг яхлит ривожланиши.** Инновацион ғоялар, сайёҳларни жалб қилувчи дастлабки тажрибаларни қўллаш имкониятларини чуқур таҳлил қилиш ёки янги мавжуд бўлган туризмнинг бир

қисми сифатида юқори даромадли меҳмонхона ишлан-малари, масалан, фақат курортнинг яхлит ривожланишига эришиш мумкин бўлади. (Экомеҳмонхона ишланмаси).

**Туризм маҳсулотларини янги турларини ишлаб чиқармоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш.** Туризм маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқармоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш, мақсадли сайёҳлик бозорларининг талабларини қондирадиган тажрибаларни ишлаб чиқишга ундайди.

**Фарғона водийсида туризмни ривожлантириш дастурлари ва тадбирлари, шунингдек, янги истеъдодларни аниқлаш, бизнес инкубатор ғоялари ва технологияларни олиб кириш.** Худудий туризм бошқармалари томонидан туризм соҳасидаги янгилардан тезликда хабардор бўлиш, туризм бизнесининг иштирокини рағбатлантириш Фарғона водийсида туризмни ривожлантириш дастурлари ва тадбирлари, шунингдек, янги истеъдодларни аниқлаш, бизнес инкубатор ғоялари ва технологияларни олиб кириш соҳада барқарорликка эришишга кенг йўл очади.

Худудда табиатга асосланган экотуризмнинг янги йўналишларини ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- 2021–2025 йилларга қадар Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш дастури режасини амалга ошириш;

- экотуризм инфратузилмасига инвестицияларни йўналтириш чораларини қўллаб-қувватлаш;

- Шоҳимардон сой манзаралари ва бошқа намоиш этиладиган экосайёҳлик объектларини аниқлаш;

- маҳаллий сув яқинида жойлашган ҳудудларда туризмнинг янги йўналишларини ривожлантиришга катта эътибор бериш;

- истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари бўйича бозор тадқиқотларини ўтказиш ва Фарғона водийси табиатига асосланган янги тажрибаларни ривожлантириш учун саёҳат қилиш афзалликларини тарғиб этиш.

**Фарғона водийсидаги саёҳат тадбирларини ташкил этишнинг дастлабки босқичи ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш режаларини ривожлантириш:**

- Фарғона водийсига кўпроқ меҳмонларни жалб қилиш учун махсус тадбирларни ташкил этиш ва тарғиб этиш;

- Спорт ва ишбилармонлик тадбирларидан фойдаланишни максимал даражага кўтариш учун давлатга ва хусусий тадбиркорларга иқтисодий фойда келтирувчи имкониятларни яратиш;

- туризм соҳасида тадбирларнинг ўрни муҳим ҳисобланиб, тадбирларни оммалаштириш учун мақсадли сармояларни жалб этиш, ҳудуд бўйлаб инфратузилма ва туристик салоҳиятни ошириш ҳамда минтақавий ҳудудларда катта тадбирларни ўтказиш имкониятларини ўрганиш;

- мижозларнинг эътиборини юксалтириш мақсадида хизмат кўрсатиш маданияти ва тажрибаси устида ишлаш;

- иқтисодиётда туризм соҳаси мавқеини юксалтириш мақсадида, янги ғояларни ишлаб чиқарувчиларга молиявий ҳамкорларни топиш ва бириктириш;

- сифат ва хизмат кўрсатиш маданияти тўғрисидаги дастурлар, туризм йўналишлари бўйича махсус қўлланмалар ишлаб чиқиш.

Замонавий, юқори сифатли инфратузилма Фарғона водийсида ва унинг атрофида узлуксиз саёҳат қилиш учун жуда муҳимдир. Янги сармоялар, туризм активлари, туризм соҳасини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёни соҳанинг барқарор ўсишини таъминлайди.

**Фарғона водийсининг табиати, иқлими ва жойлашувини инобатга олган ҳолда туризмнинг етакчи йўналишларига инвестицияларни жалб этиш:**

- туризм соҳасига инвесторлар топиш, инвестицияларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларида туризм инфратузилмасини барпо этмоқчи бўлган тадбиркорларга имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратиш бериш;


- туризм соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар, ташриф буюрувчилар учун маълумот, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ташриф буюрувчилар учун инфратузилма имкониятлари ва спорт инфратузилмасига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади;

- хусусий туризмни ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ва янги йўналишларни аниқлаш, Фарғона водийси бўйлаб инфратузилма, шу жумладан, меҳмонхоналар, диққатга сазовор жойлар, инфратузилмага кириш йўлларининг қулайлигини қатъий назоратга олиниши мақсадга мувофиқ;

- Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни амалга оширишда туризмда узвийлик стратегияси, барқарор туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва ёрдам беришни қўллаб-қувватлаш орқали туризм соҳасига инвесторларни фаол тарзда йўналтириш ҳисобланади.

**Туризм инфратузилмаларига киришни яхшилаш ва транспорт қулайлигига эътибор бериш:**

- туризмда барқарорликка эришиш учун изчил транспорт тизимини амалга ошириш. Бу ҳолатда асо-



**1-чизма. Туризмда узвийлик стратегияси алгоритми.**

сий стратегия – транспортга яхлит ёндашув ҳисобла-  
ниб, Фарғона водийсидаги туризм транспорт тизими-  
даги имкониятлар – бу ҳар бир меҳмон гуруҳлари учун  
уларнинг хоҳиш истакларини инобатга олган ҳолда  
алоҳида саёҳат дастурларини амалга оширишга қара-  
тилган бўлади: (1-чизма) Масалан:

**Туризм мавқеини ошириш мақсадида унга бево-**

**сита таъсир этувчи саноат йўлларини кучайтириш.**

- мавжуд имкониятларидан фойдаланиш йўллари-  
ни қидириб топиш;
- “Туризмда транспорт” дастурини амалга оши-  
риш;
- “Сайёҳлик дўкони” деб номланувчи кўчма етказиб  
бериш хизматини йўлга қўйиш;

- янги ва такомиллаштирилган йўл инфратузилмаси, дам олиш жойларига туризм йўналишлари белгиларини ўрнатиш;

- ташриф буюрувчилар учун кўп тилли маълумотларни етказиб беришга устувор даражада аҳамият бериш;

- ҳудудда туризмнинг мавқеини кўтариш учун ёш туризм етакчилари дастурини тақдим этиш;

- туризм соҳасида бандликни таъминлашга эътибор бериш;

- овқатланиш шохобчалари ва ресторанларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш.

**Туризмда ишчи кучи қўнимсизлигига қарши ишчи кучи режасини тузиш.**

Ҳозирда мавжуд кўникмаларнинг таҳлилни ўтказиш туризм саноатини истиқболлини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

- туризм саноатини ривожлантириш мақсадида туризмда салоҳияти юқори бўлган ҳудуд мутахассислари билан устоз-шогирд иш режаларини ишлаб чиқиш;

- қисқа муддатли ва узоқ муддатли устувор йўналишларга эга бўлган туризм бўйича салоҳиятли мутахассислар режасини аниқлаш.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги белгиланган стратегияларни босқичма-босқич амалга ошириш Фарғона водийсида туризм саноатини бошқариш механизмларини такомиллаштиришга бевосита хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. [http://strategy.gov.uz/uz/pages/action\\_strategy](http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy).

2. Lovelock, C and Yip, G (1996), “Developing global strategies for service business”, *California Management Review*, Vol. 38 No.2, pp. 64-86.

3. Porter, M (1985), *Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance*, The Free Press, New York.

4. Ashworth, G.J. & Dietvorst, A.J. (1995). *Tourism and Spatial Transformation*. UK. CAB International Publishing.

5. Barrow, C.W. & Power, T. (2003). *Management in the Hospitality Industry*. London. UK. Wiley & Sons Publishing.

6. Dann, M.S. (2002). *The Tourist as a Metaphor of the social world*. Oxon. UK. CABI International.

7. Frechtling, C. (2001). *Forecasting Tourism Demand*. London, UK. Heinemann publisher.

8. George, R. (2000). *Marketing South African Tourism & Hospitality*. Cape Town. South Africa. UCT Press.

9. Goeldner, C.R. & Ritchie, J.R. (2003). *Tourism Principles, Practices, Philosophies*. UK. Wiley & Sons Publishing.

10. Holloway, J. Ch. (2009) *The Business of Tourism*, Fifth edition, Financial Times / Prentice Hall, Harlow.

11. Medlik, S. (2003) *Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality*, Third edition, Butterworth-Heinemann Pub, Oxford.

12. Hill, Ch. W.L, Jones, G.R (2010) *Strategic Management Theory: An Integrated Approach*, Ninth edition, South-Western / Cengage Learning, Mason, Ohio.

13. Thompson, J, Martin F (2005) *Strategic Management: Awareness and Change*, Fifth edition, Thomson Publishing.

14. Johnson, G, Scholes, K, Whittington, R (2008), *Exploring Corporate Strategy*, Eighth edition, Prentice Hall / Financial Times, Essex.

15. Hitt, M.A, Ireland, R.D, Hoskisson, R.E (2007), *Strategic Management: Competitiveness and Globalization*, Thomson South-Western.

16. Evans, N, Campbell, D, Stonehouse, G (2003), *Strategic Management for Travel and Tourism*, Butterworth-Heinemann, Oxford.